

Бир сониялик тафаккур



15:16 / 07.09.2024 1830

Инсон ҳар қандай гуноҳ иш қилишдан олдин, ўзига бир сония вақт ажратсин. Сўнгра ушбу оятларни эсласин:

﴿جَنَّاتٍ رَبِّهِمْ مَقَامٌ حَافٍ وَلَمَعْنَ﴾

«Роббининг ҳузурида туришдан қўрққанлар учун икки жаннат бор»
(Ар-Роҳман сураси, 46-оят).

Қиёмат куни Аллоҳ таолонинг ҳузурида саволларга жавоб беришдан, ҳисоб-китоб ҳолатидан қўрқиб, тириклигидаёқ тайёргарлик кўриб, яхшилик билан кун кечирганларга икки жаннат бор экан.

«Икки жаннат»нинг бир неча шарҳлари бор, жумладан, инсонларга алоҳида жаннат, жинларга алоҳида жаннат ёки икковларидан ҳар

бирларига иккитадан жаннат. Гуноҳкорлар жаҳаннам билан ўта қайноқ сув ўртасида айлансалар, тақводорлар биринчи жаннатлари, яъни боғлари билан иккинчи жаннатлари – боғлари орасида сайр қилиб юрадилар. Роҳат устига роҳат, фароғат устига фароғат.

Бундай мукофотга сазовор бўлиш учун банда гуноҳлардан тийилиб, Аллоҳга тақво қилиб яшаши керак. Ана ўшанда банданинг дунё ва охираш ишлари ўнгланади.

﴿مَخْرَجًا لَهُ يَجْعَلُ اللَّهُ يَتَّقِي وَمَنْ﴾

«...Ким Аллоҳга тақво қилса, унинг йўлини очиб қўяди» (Талоқ сураси, 2-оят).

﴿قَدَّرَ أَمْرًا لِكُلِّ شَيْءٍ وَاللَّهُ جَعَلَ قَدْرَ أَمْرِهِ بَلِغَ اللَّهُ إِنَّ اللَّهَ إِذَا حَسَبَهُ فَهُوَ اللَّهُ عَلَى يَتَوَكَّلُ وَمَنْ يَحْتَسِبْ لَأَحِثُّ مِنْ وَرَثَتِهِ﴾

«Ва унга ўзи ўйламаган тарафдан ризқ берур. Ким Аллоҳга таваккул қилса, бас, унга У Зотнинг Ўзи кифоядир. Албатта, Аллоҳ Ўз ишини етказувчидир. Батаҳқиқ, Аллоҳ ҳар бир нарсага ўлчов қилиб қўйгандир» (Талоқ сураси, 3-оят).

Ким Аллоҳ таолонинг буюрганини қилиб, қайтарганидан қайтса, бу дунё ва охирашнинг қийинчиликларидан чиқадиган йўлни Аллоҳнинг Ўзи кўрсатиб қўяди. Тақводор шахснинг мушкулани доимо Аллоҳнинг Ўзи енгил қилиб туради. Шу билан бирга, унга ўзи ўйлаб, хаёлига келмаган томондан ризқу рўз етказиб беради. Одатда, кишилар ризқим сероб бўлсин, деган мақсадда тақводан воз кечадилар. Бу эса аксинча натижага олиб келади.

Ушбу ояти кариманинг маъносидан келиб чиқадиган қоидага биноан, тақводорлик қийинчиликларнинг осонлашиши ва ризқнинг ўйламаган тарафдан келишига сабаб бўлади.

Абдуллоҳ ибн Масъуд розияллоҳу анҳу «Қуръондаги энг катта умидбахш оят, ушбу «ва ман яттақиллаҳа яжъал лаҳуу махрожан ва ярзуқҳу мин ҳайсу лаа яҳтасиб» деган эканлар.

Имом Аҳмад ибн Ҳанбал ривоят қилган ҳадиси шарифда Набий алайҳиссалом: «Албатта, банда қилган гуноҳи туфайли ризқдан маҳрум бўлади. Қадарни дуодан ўзга ҳеч нарса рад қила олмайди, умрни яхшиликдан ўзга ҳеч нарса зиёда қила олмайди», – деганлар.

«Ким Аллоҳга таваккул қилса, бас, унга У Зотнинг Ўзи кифоядир»

жумласининг тафсирига уламоларимиз қуйидаги ҳадисни келтирадилар. Набий алайҳиссалом Абдуллоҳ ибн Масъудга қилган насиҳатларида жумладан: «...Ва билки, агар умматнинг барчаси йиғилиб, сенга манфаат етказмоқчи бўлсалар ҳам, Аллоҳ сен учун тақдир қилиб қўйган нарсдан ўзга ҳеч бир нарса қила олмайдилар. Агар сенга зарар етказиш учун тўплансалар ҳам, Аллоҳ сен учун тақдир қилиб қўйган нарсдан ўзга ҳеч бир нарса қила олмайдилар», – деганлар.

Банданинг Аллоҳ таоло ҳузуридаги икки туриш бор. Бу дунёда Унинг ҳузурида намоз учун бўлган туриш ва қиёмат куни Унинг ҳузурида ҳисоб учун туриш. Кимки аввалги туришни жойига қўйиб берса, унга кейинги ўринда туриш осон бўлади. Ким олдинги ўринга, яъни намозга эътиборсиз бўлса, ҳаққа вафо қилмаса, унга охирги ўрин, яъни ҳисоб бериш оғир бўлади.

Аллоҳим, Сендан ўзимнинг ёмонлигимдан ҳамда шайтон ва унинг шерикларининг ёмонлигидан паноҳ тилайман.

Аллоҳим, мени Ўзинг асрагин. Менга ҳалол қилиб қўйган нарсаларингдан ато этгин ва ҳаром қилган нарсаларингдан паноҳ бергин.

Аллоҳим, мени марҳаматинг ва фазлинг билан Сендан ўзга барча нарсдан беҳожат қилгин.

Хуршид Маъруф тайёрлади

Ушбу мақола Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2024 йил 3 август 03-07/4702-сонли хулосаси асосида тайёрланди.